# МЧЖ "XB FINANSE KONSULTING"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

## «КОСОНСОЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ»

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**
**2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига**
**Ижобий фикр билдирилган**

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

***Акциядорлик компанияси таъсисчилари ва раҳбариятига***

***Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот***
***Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти.***

*Ўзбекистон Республикаси. Ташкент шахри, Миробод туман,*
*А.Темур кўчаси 15 уй.*
*телефон: (8371) 233-02-10, 233-02-04.*
*email: XB.Finanse-konsulting@mail.ru*
*Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрсида гувохнома - № 1018. 11.05.2005 йилда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.*
*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви"ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 000676. 15.05. 2008 йилда берилган.*
*Хисоб рақами: 2020 8000 7044 0871 2001. АТ «Узсаноатқурилишбанк» Тошкент шахар хисоб китоб филиали, МФО: 00424, СТИР: 205 666 530, ХХТУТ 84400.*
*Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зохиджон Зокирович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 22 декабрь куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.*

***А удиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот***

***«Косонсой пахта тозалаш» акциядорлик жамияти***
*Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Косонсой туман,Гурмирон кишлоги Телефон: 0369-65-34-106*
*Косонсой туман Хокимлигининг «Хужалик юритувчи субьектларни давлат руйхатидан утказиш инспекцияси» томонидан 2017 йил 26 июл куни 1986 тартиб ракам билан руйхатдан утган.*
*Хисоб рақами Х/р 20210000800370807001, АТ «Агробанк», Косонсой булими, МФО: 00234 СТИР:, ХХТУТ: 17111.*
*Жамият бошқаруви раиси: Тошхужаев Абдулборихон Латифхонович*
*Молия ишлари буйича директори: Иброхимов Одилжон Эргашевич*

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги *“XB FINANSE KONSULTING* аудиторлик ташкилоти директори, аудитори Эгамбердиев Зохиджон Зокирович, (Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 2013 йил 22 декабрь куни берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» эга) аудиторлик ташкилоти билан ***«Косонсой пахта тозалаш» акциядорлик жамияти*** ўртасида 15.04.2018 йилда тузилган 50/06 -сонли шартномага асосан ***«Косонсой пахта тозалаш» акциядорлик жамияти***нинг 01.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача бўлган даври учун 15.02.2018 йилда тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот” – форма № 2, “Пул окимлари тўгрисидаги Хисобот” - 4-шакл,“Ўз сармояси тўгрисидаги Хисобот” - 5-шаклларидан иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз ***«Косонсой пахта тозалаш» акциядорлик жамияти***нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текширувимолиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект ***«Косонсой пахта тозалаш»***нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари З.З.Эгамбердиев.

Хулоса тузилган сана: 28.04. 2018 йил.